

риш, рақамли технологиялар ёрдамида вилоят- кўрсатиш, инвестицияларни жалб этиш. нинг имкониятларини, шарт-шароитларини

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Ҳалқ сўзи" газетаси 2022 йил 20 марта. 30-сон. 3 бет.
2. Fang Zhao Joseph Wallis Mohini Singh, (2015), "E-government development and the digitaleconomy: a reciprocal relationship", Internet Research, Vol. 25 Iss 5 pp. 734 - 766 https://www.researchgate.net/publication/283102868_E-government_development_and_the_digital_economy_a_reciprocal_relationship
3. Li, E.; Chen, Q.; Zhang, X.;Zhang, C. Digital GovernmentDevelopment, Local Governments'Attention Distribution and EnterpriseTotal Factor Productivity: Evidencefrom China. Sustainability 2023, 15,2472. <http://dx.doi.org/10.3390/su15032472>
4. Шнепс-Шнеппе М.А., Намиот Д.Е. Цифровая экономика: телекоммуникации – решающее звено. – М.: Горячая линия. – Телеком, 2018. -150 стр.
5. Лапидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. – М.: ИНФРА -М, 2018. -381 с.
6. Холмұминов Ш.Р. Маҳаллий бошқарув кадрлари менежменти. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашириёти. – Т., 2004. 39-51-бетлар
7. Гулямов С.С., Балтабаева Г.Р. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. – Т.: "Наврӯз" нашириёти, 2019 йил.-192 бет.
8. Валижонов Р., Қобулов О., Эргашев А. Менежмент асослари. – Т.: "Шарқ" нашириёт-матб баа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002. 102- 111-бетлар.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
10. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари
11. <https://www.qashstat.uz/uz/> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси
12. <https://qashqadaryo.uz/uz/> – Қашқадарё вилояти ҳокимлиги расмий веб сайти
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 апрелдаги "Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 майдаги "Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 294-сонли қарори.



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛANIШГА ТАЪСИРИ

Баҳодиров Нуъмонхон Камолхонович -
Фарғона политехника институти
мустақил изланувчиси

 doi.org/10.55439/ECED/vol24 iss3/a11

Аннотация. Мақолада тўқимачилик саноати корхоналарининг рақамлаштириш шароитидаги самарадорлиги таҳлил қилинган. Корхоналар фАОлиятини рақамлаштиришнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи ижобий ва салбий ҳолатлар баён қилинган. Рақамлаштириш тўқимачилик саноатига қандай таъсир қилиши ва унинг мижозлари, савдо каналлари, тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда тўқимачилик саноатининг қиймат занжира учун қандай оқибатларга олиб келиши ўрганилган. Таҳлилларга таянган ҳолда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: тўқимачилик саноати, рақамли инновация, рақамли иқтисодиёт, самарадорлик, таъсир қилувчи омиллар, ишлаб чиқариш технологиялари, молиявий ташкилот, меҳнат самарадорлиги.

ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ НА ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕКСТИЛЬНОЙ ОТРАСЛИ

Баҳодиров Нуъмонхон Камолхонович -
Самостоятельный соискатель,
Ферганский политехнический институт

Аннотация. В данной статье анализируется эффективность предприятий текстильной отрасли в условиях цифровизации. Описаны положительные и отрицательные ситуации, влияющие на эффективность производства цифровизации деятельности предприятий. В нем рассматривается, как цифровизация влияет на текстильную промышленность и последствия для ее клиентов, каналов продаж, текстильной продукции и текстильной цепочки создания стоимости. На основе анализа даются предложения и рекомендации по повышению эффективности производства.

Ключевые слова: Текстильная промышленность, цифровые инновации, цифровая экономика, эффективность, влияющие факторы, технологии производства, финансовая организация, производительность труда.

THE IMPACT OF DIGITALIZATION ON THE ECONOMIC EFFICIENCY OF TEXTILE ENTERPRISES

Bakhadirov Numonkhan Kamolkhanovich -
*independent applicant of
Fergana Polytechnic Institute*

Annotation. This article analyzes the effectiveness of textile enterprises in the context of digitalization. The positive and negative situations that affect the efficiency of production of digitalization of enterprises are described. It examines how digitalization affects the textile industry and the implications for its customers, sales channels, textile products and the textile value chain. Based on the analysis, suggestions and recommendations are given to improve production efficiency.

Key words: Textile industry, digital innovations, digital economy, efficiency, influencing factors, production technologies, financial organization, labor productivity.

Кириш. Замонавий дунё тубдан янги технологик, ижтимоий ва иқтисодий воқелик сари биринчи қадамни ташлади. Бироқ замонавий саноат жамияти олдида турган муаммоларни ортиқча баҳолаш қийин. Гап глобал ижтимоий-технологик тузилманинг ўзгариши ҳақида бормоқда, бунинг оқибати биз ўрганиб қолган тизимларни тўлиқ қайта форматлаш, янги ижтимоий ва иқтисодий стратегияларни шакллантиришдир. Шу билан бирга, технологик парадигма ўзгармоқда, бошқарув моделлари ва ижтимоий меъёрлар ўзгармоқда, кенг кўламли демографик силжишлар содир бўлмоқда.

Бироқ муаммо жамиятнинг янги моделига ўтишнинг принципиал равишда амалга оширилаётганида эмас. Муаммо шундаки, бу ўтиш ниҳоятда тез суръатлар билан – минг йилликда эмас, агарар йўлда, саноат йўлида эмас, балки бир неча ўн йиллар давомида содир бўлади. Мавжуд турбулентлиқдан барқарор ўсиш траекториясига чиқиш вақт ўтиши билан янги юксалиш учун технологик, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларни яратмаган мамлакатлар учун зарбалар билан бирга келишини таъкидлаш ўринли.

Янги шароитда иқтисодиётнинг барча таркибий қисмлари ривожланиб, ўзаро таъсир ўтказадиган, такомиллашиб, ривожланувчи технологик ва рақамли инновациялар натижасида мамлакат афзалликларга эга бўлади. Айнан шунинг учун ҳам кўплаб мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичи иқтисодий ривожланишнинг янги моделини излаш ва унга ўтиш учун муқобил вариантлар йўқлиги билан боғлиқ бўлиб, у инсон шахсиятида интеллектуал ва ижодий салоҳиятдан фойдаланишга асосланган.

Мамлакатимиз жаҳон рақамли иқтисодиётида сўнгги ўринни эгалламаслиги учун ишлаб чиқариш, инновациялар ва ахоли бандлигини таъминлашда мамлакатимизда мавжуд имкониятларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бугунги куннинг муҳим хусусияти рақамли тафовутларнинг тез суръатлар билан ошиб бориши бўлиб, бу ривожланаётган мамлакатлардан

Ўзбекистон Республикасини янада орқада қолиши хавфини туғдиради. Ҳар бир мамлакат учун ишлаб чиқариш соҳаси ва ўзининг технологик даражасини сақлаб қолиши иқтисодиётни, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, ахоли даромадлари ва миллий фаровонликни оширишнинг стратегик муҳим миллий вазифасидир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Бугунги кунда “ишлаб чиқариш тармоғи бўлмаган ҳар бир миллат ёки халқлар гуруҳи ривожланган давлатлар ихтиёрида бўлади”, деган ибора бугунги кунда жуда долзарбdir. Бу борада Ж.Ринн “Бой ёки камбағал ҳар қандай ахоли иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаши ва ўзини сиёсий ҳимоя қилиши учун кучли ишлаб чиқариш базасига муҳтоҷдир”[1] – деб таъкидлайди. Шунингдек, Висион тадқиқотининг натижаларига кўра, глобал чакана савдо бўйича қарор қабул қиливчиларнинг 70 фоизи истеъмолчилар тажрибасини яхшилаш учун интернетдан фойдаланишга тайёр[2].

Т.Васильцевнинг таъкидлашича, рақамили иқтисодиёт секторини ривожлантиришнинг зарур, ажралмас таркибий қисмлари унинг институционал қўллаб-қувватланишининг мавжудлиги, сифати, яъни институционал-хуқуқий асосларни шакллантириш ва амалга ошириш соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳамда меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги, тўлиқлиги ва самарадорлиги, рақамли иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятни, стратегик йўналишларни белгиловчи ҳамда тартибга солувчи мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш бўйича давлат стратегияси ва давлат сиёсати ҳисобланади[3].

С.Баллер, С.Датта ва Б.Ланвин ўз илмий ишларида рақамли иқтисодиётни кенг доирада таъсирини баҳолаганлар. Унга кўра рақамли иқтисодиёт асосида ривожланиш ижтимоий-иктисодий ва хуқуқий жараёнларда ўзига хос хусусиятларни талаб қилиши, миллий инновацион тизимлар ва дунёда рақамли технологияларни ривожлантиришнинг тўсиқлари ва истиқболлари аниқланган [4].

Букт өткөнде Ҳеекснинг илмий изланишларидан эпмрик таҳлилларга асосланган ҳолда күйидаги фикрни таъкидланган. Иқтисодиётни рақамлаштириш ёки рақамлаштириш трансформацияси жараёни деярли барча тармоқ ва соҳаларни қамраб олган ҳолда, иш унумдорлиги ва меҳнат самарадорлигини кескин ошириш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини яхшилаш, улар таннархини кескин камайтириш ва жаҳон бозорининг кенг миқёсда қамровини амалга оширишга имконият яратади [5].

Б.Н.Паншиннинг таъкидлашича, рақамли иқтисодиёт тармоқ хизматларига асосланади Шу билан бирга, у рақамли иқтисодиёт элементларини ажратиб кўрсатиш мумкин бўлган соҳаларни назарда тутади:

Иқтисодиётнинг рақамли сегментини кенгайтиришнинг асосий сабаби ривожланган мамлакатлarda мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 70 фоизидан ортиғини ташкил этувчи транзакция секторининг ривожланиши. Ушбу сектор қўйидагиларни ўз ичига олади: давлат бошқаруви, консалтинг ва ахборот хизматлари, молия, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек, турли хил коммунал, шахсий ва ижтимоий хизматлар [6].

Электрон тижорат бўйича машҳур тадқиқотчилар М.Э. Агву ва Ж.П. Муррай элекtron тижоратни ташкил этиш ва уни ривожлантириш мамлакатларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳолатидан келиб чиқади, деб хулоса қилган [7].

Л.А.Чалдаева ва А.А.Килячков, қўйидагича: “Рақамли иқтисодиёт жорий этиш ва ривожланишнинг биринчи босқичида ҳал қилинадиганидан кўра кўпроқ муаммоларни келтириб чиқаради. Бироқ ундан қочиб кутулиб бўлмайди, акс ҳолда интеллектуал ва технологик тараққиёт мукаммалликка ўтиш учун йўл қўймайди. Шунинг учун рискларни олдиндан билиш керак, улар учун тайёрланиш, минималлаштириш ва иложи бўлса, олдини олиш керак.” – деган фикрларни билдиришган [8].

Тадқиқотчилар Э.Тоффлер, Ф.Фукуяма, Д.Белл, Ж.Найсбитт ва бошқалар замонавий дунёдаги аксарият ривожланган мамлакатлар учун айнан инновацион иқтисодиёт жаҳон иқтисодий устунлигини таъминлайди, деб ҳисоблайдилар [9].

Тадқиқот методологияси. Мақолада рақамли иқтисодиётнинг тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятига таъсирини ўрганишга бағишлиланган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича иқтисодчи олимларнинг тадқиқот ишлари ўрганилди ва таҳлил қилинди ҳамда бу бўйича назарий фикрларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритишида мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил ва бошқа усуслардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Технологик инновациялар ва мижозларнинг ўзгарувчан талаблари тўқимачилик саноатида янги бизнес моделлари ва ташкилий тамойилларни талаб қиласди. Тадқиқот ишида рақамлаштириш тўқимачилик саноатига қандай таъсир қилиши ва унинг мижозлари, савдо каналлари, тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда тўқимачилик саноатининг қиймат занжири учун қандай оқибатларга олиб келиши ўрганилган.

Мижозларнинг яшаш муҳити тобора рақамли бўлиб бормоқда. Бунга жавобан истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилари ҳам ўз маҳсулотларини рақамлаштириш орқали жавоб берадилар. Тўқимачилик саноатида ҳам кўпроқ етказиб берувчилар кийиниш технологияси ўйналишлари бўйича технологик функцияли кийимлар, яъни янги функцияларни бажарувчи кийим-кечак ишлаб чиқармоқда.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, ҳозирги кунда кишилар ҳаётига рақамли дунёга ҳар доим кириш имконини берувчи қурилмалар тобора кўпроқ таъсир қилмоқда. Бу нафакат мулоқот ҳатти-ҳаракатларига таъсир қиласди, балки истеъмолчиларнинг ҳатти-ҳаракатларига ҳам катта таъсир кўрсатади. Мижозларнинг талблари тобора индивидуал бўлиб бораётганлиги сабабли, стандарт маҳсулотлар ва стандарт алоқа билан улар келажакда ҳал этилмайди. Аксинча, келажакда ҳатто сотиб олингандан кейин ҳам ўзгарувчан мижозлар эҳтиёжларига мослаша оладиган тўқимачилик маҳсулот ва хизматларини таклиф қилиш мумкин.

Автоматик тиқув машиналари ва саноат 3D принтерлари каби инновациялар ишлаб чиқариш вақтини сезиларли даражада қисқартириш имконини беради. Табиий ва яқин табиий толалар ҳам бир неча йил ичida 3D форматда чоп этилиши мумкин. Бу вақтда ходимлар энди фақат машиналарни кузатиш учун тайинланади. Шу билан бирга, истеъмолчи ҳудудида 3D-принтерларнинг ҳамёнбоп нархлари ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Шундай қилиб, мижозлар келажакда уйда ўз кийимларини ишлаб чиқаришлари мумкин бўлади ёки 3D босма дўконлар бу вазифани зиммасига олади. Албатта, бу кийим ишлаб чиқарувчилар ва дизайннерларга ҳам таъсир қиласди. Тўқимачилик саноати ҳам бу борада индивидуал мижозлари учун жой яратиши керак. Кийим-кечак корхоналари дизайн файллари, матолар, нақшлар, 3D принтерлар, тиқув машиналари ва дастурларни сотиш орқали мижозларни саклаб қолишлари мумкин.

Шу маънода, мижознинг қадриятлари ва истеъмолчи ҳатти-ҳаракатларини яхши билиш талаб қилинади. Рақамлаштиришни хисобга олган ҳолда мижозлар гурухларини дифференциал таҳлил қилиш ва замонавий маркетинг

концепцияларини ишлаб чиқиш мижоз билан алоқани йўқотмаслик учун ажралмас ҳисобланади. Чунки, келажакда кийимнинг маълум бир қисмини қидирадиган стандарт мижоз энди бўймайди.

Таъкидлаш жоизки, он-лайн мижозлар ўз маҳсулотларини узоқ кутишни хоҳламайдилар. Улар Амазон каби етказиб берувчилар орқали қисқа етказиб бериш муддатларига одатланган. Шунинг учун тезлик тўқимачилик саноати олдида турган энг муҳим муаммолардан бири-дир. Бу борада, сақлаш роботлари, жавон тизимлари ва саралаш машиналари билан марказлаштирилмаган, юқори даражада автоматлаштирилган омборлар, шунингдек, истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини олдиндан билиш учун Big Dataни омбор логистикасига интеграция қилишнинг самарали усуllibарини қўллаш лозим.

Бундан ташқари, кийим-кечак технологияси туфайли логистика жараёнларини тезлаштириш мумкин. Датчиклар ва геолокация чиплари билан жиҳозланган ақлли кийимлар логистика тизимлари билан бевосита алоқада бўлиши мумкин ва шу билан бутун қиймат занжири бўйлаб аниқ идентификацияланиши ҳамда маҳаллийлаштирилиши мумкин.

Бутун операцион ва ишлаб чиқариш жараёни рақамлаштирилганда, кийим-кечак ва ишлов бериш ҳақида барча керакли маълумотларнинг дастурий таъминот орқали шаффофлиги таъминланади. Маъсул томонларга ўз операцияларини назорат қилиш ва мувозанатни сақлаш осонроқ бўлади, бу уларга ўз истеъмолчилари учун шаффоф бўлиш имконини беради. Турли жойлардан ишлайдиган жамоалар бир хил серверга киради ва ўхшаш канал орқали мулоқот қиласди. У барча жалб қилинган ходимларни бир саҳифада ушлаб турари ва маълумот алмашишда ҳеч ким циклдан четда қолмайди.

Бу бизнес ва мижозлар ўртасида яхши алоқа ўрнатишига ёрдам беради. Ишлаб чиқаришнинг бошидан жўнатиш ва етказиб беришгacha, мижозлар фақат ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган omni-channel тизимларига кириш орқали уларнинг буюртмалари ҳақида хабардор бўлишлари мумкин. Бу эса ўз навбатида, бутун жараённи шаффоф қилишга ва мижозлар билан муносабатларни яхшилашга ёрдам беради.

Рақамли бўлиш турли афзалликларга эга бўлса-да, тўқимачилик корхоналари учун энг муҳим фойда доимий ўзгарувчан мижозлар хатти-ҳаракатларига хизмат кўрсатиш қобилияти


бўлади. Бугунги технологияни яхши биладиган истеъмолчи юқори сифатли маҳсулотларни, шахсийлаштирилган ва қўшимча қийматли хизматларни, обуна орқали маҳсулотни етказиб бериш ҳамда маслаҳат беришин талаб қилмоқда. Бундан ташқари ҳозирги кунда MPLS, HIVR, Toll Free ва IoT технологиялари транспорт воситалари, ишчи кучи ва активларни кузатиш асосий маҳсулотлар ҳаракати ҳамда тўқимачилик саноати учун кўплаб муаммолар ечимларини бермоқда.

Умуман, рақамли иқтисодиёт секторининг асосий таркибий-функционал таркибий қисмлари тармоқ тузилмаси элементлари ва унинг мамлакат иқтисодий ривожланишининг умумий тизимидағи асосий функцияларидан иборат. Шундай қилиб, рақамли технологияларни бевосита ишлаб чиқарадиган, ривожлантирувчи ва рақамлаштириш жараёнларини амалга оширишни таъминловчи, шунингдек рақамли технологиилар соҳасидаги муносабатларнинг бевосита иштирокчилари бўлган рақамли иқтисодиёт секторининг асосий элементлари – булар бизнес тузилмалари – корхоналар, хўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар, ИТ-компаниялар, инновацион компаниялар, таълим муассасалари ва илмий тадқиқот тузилмалари, венчур капитал компаниялари, жамғармалар, электрон технологиялар маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилари сифатида фаолият юритувчи молиявий ташкилотлар биринчи таркибини ташкил этади (1-расм).

Рақамли технологияларни ривожлантириш ва рақамли иқтисодиёт фаолиятини тартибга солиш, рафбатлантиришни таъминловчи давлат институтлари, давлат органлари, муассасалар ва ташкилотларнинг мавжудлиги ҳамда шаклланиши муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, бозор муносабатларининг сифат жиҳатидан янги даражаси ва маҳсулот ва хизматларни жойлаштириш технологияси бўлган электрон бизнес-платформаларни шакллантириш моделларини ишлаб чиқишида рақамли иқтисодиёт секторининг хусусиятлари ва интеграциянинг муҳим даражасидан фойдаланилади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, рақамли трансформация бугунги кунда мода саноатига энг кўп қўлланиладиган атамалардан бири бўлиб, унинг аҳамиятини эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Келгуси йилларда рақамли инновациялар мода, тикувчилик, тўқимачилик саноатини кейинги ривожланиш босқичига олиб чиқишига катта ёрдам беради.

RAQAMLI IQTISODIYOT



1-расм. Иқтисодиётни рақамлаштириш секторининг асосий таркибий-функционал қисмлари

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хуласа ва таклифлар. Юқоридаги ўрганилган маълумотлар ва таҳлилларга шунингдек, хорижий тажрибаларга асосланиб, мамлакатимизда тўқимачилик саноати корхоналарининг самарадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланиш бўйича қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тўқимачилик саноати корхоналарида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган амалий ишларни таҳлил қилиш ва ўрганиш.

2. Саноати ривожланган хорижий мамлакатларнинг рақамли иқтисодиётини ўрганиш ва мамлакатимиз тўқимачилик саноати корхоналари фаолиятига татбиқ қилиш.

3. Тўқимачилик саноати корхоналарида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан бир қаторда юзага келиши мумкин бўлган муоммолоснинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаш чиқиши.

4. Корхоналарда маҳсулот ва хизматларни жойлаштириш технологияси бўлган электрон бизнес-платформаларни шакллантиришни замонавий моделларини ишлаб чиқиши.

5. Рақамли иқтисодиёт шароитида фаолият юрита оладиган мутахассис кадрлар тайёрлаш ва кадрлар заҳирасини шакллантириши.

6. Мамлакат аҳолиси ўртасида ишлаб чиқариш корхоналарининг мавжуд рақамли платформаларидан фойдаланиш саводхонлигини ошириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Rynn J. Why Manufacturing Matters: A production-centered path to economic growth, 2000, https://economicreconstruction.org/sites/economicreconstruction.com/static/SeymourMelman/archive/de_re/ProductionCenteredEconomics.pdf.
2. Role of Internet of Things (IoT) in Retail Business and Enabling Smart Retailing Experiences. 579-Article%20Text%20File-1206-3-10-2021115.pdf
3. Vasyltsiv T. (2017), "Financial and economic tools for stimulating the development of the IT sphere of Ukraine", *Ekonomichnyi dyskurs: mizhnarodnyi naukovyi zhurnal*, Iss. 4, pp. 128-136.
4. S.Baller, S.Dutta, and B.Lanvin, "The global information technology report 2016", *Innovating in the Digital Economy*. [Proc. World Economic Forum], Geneva, 2019, p. 307
5. R. Bukht and R. Heeks, "Defining, conceptualizing and measuring the digital economy", *Development Informatics Working Paper No. 68* (Centre for Development Informatics, University of Manchester, Manchester, 2017)
6. Panshin, B. Sifrovaya ekonomika: osobennosti i tendensii razvitiya / B. Panshin // Nauka i innovatsii. -2016 -T. 3.— № 157. -S. 17-20
7. Agwu M.E. and Murray J.P. (2015). Empirical Study of Barriers to Electronic Commerce Adoption by Small and Medium Scale Businesses in Nigeria. *International Journal of Innovation in the Digital Economy*, 6(2): 1-19.
8. Чалдаева Л. А., Килячков А. А., Дыдыкин А. В. Остаточные риски: описание и методы снижения. // Финансы и кредит. 2009. № 28 (364).
9. Баҳодиров Н.К. Тўқимачилик саноати корхоналарининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари. *Xorazm Ma'mun axborotnomasi*. 4/2022 йил.
10. Баҳодиров Н.К. Тўқимачилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар таҳлили. //Иқтисодиёт ва тълим. 2022 йил 6-сон.



RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BULUTLI XIZMATLAR TAQDIM ETUVCHI KOMPANIYALAR FAOLIYATI TAHLILI

Zaripov Bahodir Bobomurod o'g'li
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
doktoranti

doi: doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a12

Annotatsiya. Bugungi raqamli dunyoda ko'plab tashkilotlar hamda kompaniyalar e'tibor qaratayotgan va o'z ish faoliyatini Jadallik bilan kengaytirib borayotgan zamonaliv bulutli hisoblash texnikasi yangi asr ilm-fanining chinakam yutug'i bo'ldi. Ushbu maqolada O'zbekistonda ijtimoiy va iqtisodiy sohalar faoliyatini raqamlashtirish bo'yicha qaror va farmonlar o'rGANIB chiqilgan. Dunyoda rivojlanib borayotgan IT kompaniyalar ish faoliyati, raqobatbardoshlik holati, ular tomonidan taqdim etilayotgan bulutli xizmalar, ularning turlari ushbu bulutli xizmatlar orqali yillar davomida olingan daromadlari tahlil qilib o'tilgan. Jahonning rivojlangan mamlakatlari tomonidan bulutli xizmatlardan foydalanish statistikasi hamda bulutli texnologiyalarning modellaridan foydalanishdagi holati yoritib berilgan. Yevropa mamlakatlarida Gibrild bulut modelidan foydalanish holati va rivojlanish tendensiyalari tahlil qilingan. Yirik kompaniyalar tomonidan taqdim etilayotgan bulutli hisoblash xizmatlari jumladan, Software as a Service, Platform as a Service, Infrastructure as a Service xizmatlardan olingan daromadlar atroflichha tahlil qilib o'tilgan.

Kalit so'zlar: bulutli texnologiyalar, raqamli texnologiyalar, axborot xavfsizlik, gibrild bulut, ommaviy bulut, shaxsiy bulut, daromad, dasturiy ta'minotlar.

АНАЛИЗ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОМПАНИЙ, ПРЕДОСТАВЛЯЮЩИХ ОБЛАЧНЫЕ УСЛУГИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Зарипов Баҳодир Бобомурод угли -
PhD докторант Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В современном цифровом мире современная техника облачных вычислений, на которую обращают внимание многие организации и компании и стремительно расширяют свою деятельность, стала настоящим достижением науки нового века. В данной статье изучены решения и указы по цифровизации социально-экономической деятельности в Узбекистане. Проанализирована трудовая деятельность, конкурентное положение развивающихся ИТ-компаний в мире, предоставляемые ими облачные сервисы, их виды и доход, получаемый с помощью этих облачных сервисов по годам. Освещена статистика использования облачных сервисов развитыми странами мира и ситуация в использовании моделей облачных технологий. Проанализировано состояние использования и тенденции развития модели гибридного облака в европейских странах. Были тщательно проанализированы доходы от услуг облачных вычислений, предоставляемых крупными компаниями, в том числе «Программное обеспечение как услуга», «Платформа как услуга», «Инфраструктура как услуга».

Ключевые слова: облачные технологии, цифровые технологии, информационная безопасность, гибридное облако, общедоступное облако, частное облако, доход, программное обеспечение.